

Юртимиз уламолари Абу Муин Насафий мақбарасини зиёрат қилдилар



17:04 / 11.11.2021 1468

Бугун, 2021 йил 11 ноябрь куни Қашқадарё вилояти Қарши туманида XI асрда яшаб ўтган улуғ мутафаккир олим, Абу Муин Насафий мақбарасини зиёрат қилиш мақсадида бир гуруҳ юртимиз уламолари ташриф буюришди. Авваллари ақида илмининг етук билимдони сифатида динимиз софлигини сақлаган, адашганларни маърифат билан тўғри йўлга бошлаган, Мотуридия таълимотининг давомчиси бўлган улуғ мутафаккир олим Абу Муин Насафийнинг мероси, қадамжоси эътибордан четда қолиб кетган эди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аллома мақбараси обод ва улкан зиёратгоҳга айлантирилди. 2021 йил 11 октябрь куни давлат раҳбари сифатида Қашқадарё вилоятига ташриф буюрган Шавкат Мирзиёев улуғ мутафаккирнинг асарлари бугунги кунда ҳам долзарблигини, уларнинг маъзани халқимизга, ёшларга етказиш муҳимлиги, юртимиз имом-хатиблари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари муқаддас қадамжони зиёрат қилиш, кенг оммага аллома ҳақида маълумотлар бериш кераклигини билдириб ўтган эди. Бундан ташқари Қарши давлат университети қошида Абу Муин Насафий номида илмий марказ ташкил этиш таклифи ҳам билдириб ўтилган.

Шу мақсадда ушбу муборак қадамжо масканига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Юсуф, «Олтинхон тўра» жомеъ масжиди имом-хатиби Икромжон домла Ботиров, «Мухсинхон тўра» жомеъ масжиди имом-хатиби Абдурасул домла Қаюмовлар ташриф буюриб, эл-юрт хаққига хайрли дуолар қилдилар.